таълим муассасасида асосий эътибор им-ған, таълим ва инновацияларни ривожлантириши орқали иқтисодиёт ва инсоният тараққиётiga муносиб ҳисса кўша оладиган келажак етакчиларни тайёрлашади. Ҳар каратилган бўлиб, дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Университетда кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари, иқтисодиёт, бухгалтерия хисоби ва аудит, солиқлар ва солиқка тортиш, компьютер инжениринги, педагогика ва психология, хорижий тил ва адабиёт (инглиз тили), бошлангич таълим, тарих каби йўналишлар мавжуд.

— Университетимизнинг истиқболдаги режалалари ҳақида қисқача тўхтальсан, — дейди университет ректори Шавкат Мавлонов. — Келгуси йилдан бошлаб хорижий тиллар йўналишида немис, француз, турк, форс тиллари бўйича таълин берини ўйлга қўйиш режалаштирилган. Шунингдек, етакчи хорижий олий таълим муассасаларининг илор тажриблари асосида доимий ривожланишини таъминлаш, ўқув жараёнларига дунёнинг етакчи олий таълим муассасаларида фуолият юритаётган профессор-ўқитувчиларни жалб этиш, миллий ва халқaro таълим рейтингларida муносиб ўринларни эгаллашиб килинганимиз.

Бундан ташқари, давлат стандартларига тўла жавоб берадиган замонавий ўқув бинолори, ахборот-ресурс маркази, талабалар турар жойи ва спорт залини ўз ичига олган олий таълим мажмуасини қуришини режалаштирганимиз. Талабаларимизда шартнома пулларида муаммо бўлмаслиги учун



университет раҳбарияти ва Ҳалқ банки ўртасида ҳамкорликни ўйлга қўйганимиз.

— Талаба бўлдим, мана, шартномам кўлимда турибди, дейди — кували Зиёда Шералиева. — Жуда хурсандман. 15 йиллик орзуимга эришим. Туманимиздаги коллежни тамомлаганимдан сўнг бир йил университеттега ҳужжатларимни топширдим ва тест имтиҳонларидан етарлича балл тўплай олмадим. Шундан кейин тақдир тақозоси экан, турмушга чиқдим. Оила ва фарзандлар ташвиши билан бўлиб, олий маълумотли бўлиш орзуим орзулигича қолиб кетадими, деб ўйлаб юрардим. Ҳа, айтганча, коллежни тамомлаганимдан кейин мутахassisligim бўйича 14 йилдан бўён Фаронга вилоятини ўқув тумани Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасида мониторинг гурухи 1-тоифали инспекtori va вазifasida ишлаб келмодкаман. Аммо болаликдан педагог, яъни ўқитувчи бўлиб, ёшларга таълим-тарбия беришни жуда орзу қилинган.

Нитинам менин бир лаҳза бўлса-да тарк этмади. Бу университет очилганини эшишиб, олий маълумотли бўлолмай юрганларни ўз бағрига олалётганини билганимдан сўнг, кувонганимдан бўлсна керак, қанақа қилиб этиш келганини ҳам билмадим. Тест имтиҳонларига топширдим ва ўтдим. Эндиликда педагогика ва психология йўналишида сиртқи таълимда таҳсил оламан. Бу ҳозирги ишмуга ҳам таъсир қилимайди. Яна бир кувонганим, шартнома пулларини талаба кредити орқали Ҳалқ банки фоизсиз ўтказиб берар экан. Чин дилдан хохлаганларга мана шундай имкониятлар яратиб берадиганлардан жуда миннатдорман.

Пресс-тур давомида банд фаoliyati, хусусий олий таълим муассасалари фаoliyati bilan boglik savollargaga javob oldik.

Тоштемир Ҳудойқулов, "Ўзбекистон овози" мухбири.



ДЕПУТАТ ЁРДАМЧИЛАРИ НИМАЛАР БИЛАН БАНД?

Олий Majlis Қонунчилик палатаси депутати Dilbar Mamadjanovning ёрдамчиси томонидан Faragona tumaniнинг "Obod" va "Sanoat" maҳallasiда ҳамда tumandagi 3-sonli davlat maktabasida taъlim muassasasida "Halq bilan mulokot, muammolarni samarali va tezkor hal qiliш omlidi" mavzusida urashuvlar tashkil etildi.

Tadbirda "Obod" ҳамda "Sanoat" MF raialari, хотин-қизlар va faollar ixtirok etdi. Urashuvlar jaraenida Prezidentimizning tegishli қарорlari ijrosini taъminlash bўyicha masala mukokama kiliindi. Shuningdek, Қonunchiлик palaatasi deputatining maҳallasi tashrifida doirasiada aholidan tushgan murojaatlardan kuriib chiqildi.

Xususan, "Sanoat" maҳallasiida yangi kўp қavatli yillarini ўz vaqtida bitkazib aholiga topshirilmagan taykidlandi. Bunga sabab esa yillar kanalizatsiyasida muammo mawjud. Ainiy paitda uшbu masalani bartaraf etishi bўyicha qanday ishlar qiliinaetgani urganiildi.

Tadbirda "Obod" ҳamda "Corajntog", "Obod" maҳallalar muammolari ham urganiildi. Shuningdek, "Xosilot" maҳallasiida yashovchi ёsh oila bekasasi xozirgi kunda ihsis ekanimini bildirdi. Uning istagi tikuviylik faoliyatini ўylga kuiyish rivojlanishi tashrifida etakchilari olib tashladi. Tashrifda yashovchi qurʼon bilan urashuvlar tashrifida etakchilari olib tashladi. Deputat tashrifida etakchilari olib tashladi.

Tadbir sўngida tumandagi 3-dmttida faoliyati olib boruvchi bir guruh хотин-қizlар partiya safiga qabul qiliinib, ularga partiya gavochnomalari va sovgalar topshirildi.

"УЙМА-УЙ" КЎМАК БЕРИЛДИ



Buloqboши tuman partiya kengashi tomonidana esa "Uyma-uy" loyihasi amalgal kuchdi. Tadbirda vilojat kengashi deputatlari M.Xolmirzaeva va C.Yuldashev ҳamda "Shirmonbulok", "Bainalamin" "Shark yoldusi" MF ilarda yashovchi, ijtimoiy ximoya muktojoh, ofir vaziyatiga tushib kolgan va nogaaronligi bўlgan hotin-қizlар koholidan xabar olinindi. Murojaatlari bўyicha amaliy kumak berildi.

Jumladan, "Shark yoldusi" maҳallasiida yashovchi Dilorxon Otashova, "Bainalamin" maҳallasiidan Sanabardon Abduholikova, "Shirmonbulok" dan Xalimaon Karimova va Buxajalhon Mamatova xonadonlariiga boriildi. Ular bilan suxbatlardan utkazildi. Xar biriga moddij kumak berildi.

Ўзбекистон XDP Bўston tuman kengashi tomonidana "Pillakor" MF da "Onalik va bolalik muhofazasi" loyihasi aсосida "Arafbona" maҳallasi fakarolari loyihi hujduida istikomat qiluvchi 45 nafrar hotin-қizlар учун Kogon shahar kўp tarmonli marказi poliklinikasida belup tibbiy kuriib tashkil etildi.

Унда malakalari tibbiy hujduida urashuvlar dan hotin-қizlalar bир қанча йўnalishi lar bўyicha tekshiruvlardan utkazildi. 8 nafrar aёlla belup doril-darmon tarkatildi.

Shuningdek, tadbir davomida tibbiy hujduida urashuvlar dan hotin-қizlalar bilan oshiri, onalik va bolalik muhofazasi doimiy etiborda loyihasi aсосida "Arafbona" maҳallasi fakarolari loyihi hujduida istikomat qiluvchi 45 nafrar hotin-қizlalar учун Kogon shahar kўp tarmonli marказi poliklinikasida belup tibbiy kuriib tashkil etildi. Keraqli yul-йўriklar berildi.

Ўз мухbirimiz.

БАЗАЛЬТ

КҮП ҚАВАТЛИ УЙЛАР СОВУҚ ЎТМАЙДИГАН БҮЛАДИ

Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги
пойтахтимизнинг Чилонзор
ва Учтепа туманларида
пресс-тур ташкил этиди. Унда
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазири Ботир Зокиров
бошчилигидаги масъуллар
иштирок этиди.

Дастлаб Учтепа туманида бино
фасадларида базальт плиталар
босқичма-босқич ўрнатилиши
бўйича амалга оширилди. Унда
керак бўлган ишлар тақдимот
килинди. Тақдимотда
кайта тикланувчи энергия
манбалари курилмаларини
ўрнатиш кўзда тутилмаган
объектлар бўйича лойҳа
хужжатлари экспертиза
дан ўтказилмаслиги ва
курилиш ишларини бош-
лашга руҳсат берилмаслиги
айтилди.

Пресс-тур давомида мута-
хассислар шахарсозлик қоидала-
рининг қурилиш иссиқлик техникаси
талабларига мувофиқ, бино деворларида
иссиқлик изоляцион материалларни унинг
ташқарисидан жойлаштирилиши лозимлиги
ҳамда бунду самаралари иссиқлик изоляцион
материалларидан, масалан, базальт пли-
таларидан фойдаланиш талаб этилаётгани
хужжатлари экспертиза-
дан ўтказилмаслиги ва
курилиш ишларини бош-
лашга руҳсат берилмаслиги
айтилди.

– Кўнчиликда нима учун айнан пойтахти-
мизнинг Учтепа ва Чилонзор туманинг кўп
қаватли уйлар фасадига базальт материални
ўрнатилмоқда, деган савол бўлиши табийидир, – дейди Ботир Зокиров. – Пойтахти-
мизнинг Учтепа ва Чилонзор туманларида
қилинаётган ишлар тажриба эмас, намуна.

Ушбу массивдаги 3 та энг ёмон ҳолатдаги
уйни олиб, намуна сифатида модернизация
қўйилгиз. Ахоли киска вақт ичидаги, ҳали
кишдан чиқмасданоқ натижасини кўради.
Базальттолали қоплама демоворга ўрнатилгача,
натижага 7-8 кунда сезила бошлайди. Чунки,
копламадан сўнг деворнинг ўзи ҳам исиб
олиши керак.

Шу ўринда яна бир маълумотни айтиб
йтмоқчи эдим. Ҳар йили аҳолимиз ўртача
800 минг нафарга кўпаймоқда. Шунингдек,
ҳар йили 650 минг боланинг янгидан боғчага
ва мактабга чиқишини инобатга олган ҳол-
да, ижтимоий соҳа объектлари қурилмоқда.
Фарзандларимизнинг бу борадаги камрови
70 фоизга етказилмоқда. Бу дегани, электр
энергия ва иссиқлик таъминотига бўлган эх-
тиёж ҳам шунга мос равишда ўшиб бормоқда.
Хозирги асосий мақсадимиз уй-жойлар ва
бошقا объектларда энергия тежамкорлини
таъминлашдан иборатdir.

Базальт плиталари билан қопланган
уйларда ўртача 30-35 фоизгача энерго
самарадорликка эришиш мумкин. Базальт-
нинг самараси ёз ойларида ҳам сезилади,



хаво совуткич қу-
рилмаларида бўлган
эхтиёж уч бараварга
камаяди, чунки базальт
кишда иссиқни, ёзда совуқни
нисбатан сақлаш хусусиятига эга. Базальт
толали қоплама ташқаридаги шовқинни ҳам
анча пасайтиради ва одатдаги 30-40 деци-
белъ шовқинни 15-20 децибелъгача камайти-
риши тақрибаларда кўп бора исботланган.
Базальт плиталари кўп қаватли уйларда бир
метр баландликда ўрнатилияпти. Шунингдек,
устидан маҳсус қоплама ҳам қилинмоқда.
Бино фасадини ташқаридан базальт билан
коплаш – дунёда ўзини оқлаган амалиёт.
Бу ерда нафакат махаллий, балки хорижлик
мутахассисларнинг фикрлари ҳам инобатга
олинаятди.

Бу комплекс режа. Бу жараёнлар дастлаб
ташхис қилинади ва босқичма-босқич давом
эттирилади. Хозирда Тошкент шаҳрининг ўзида
каррийб 10 мингдан ортиқ эски кўп қаватли
уйлар бор. Албатта, бу уйлар аҳоли-
нинг хусусий мулки, унга тўғридан-тўғри
аралашшига хеч кимнинг ҳаққи йўк. Шу
боис бу ишлар дастлаб намуна сифатида
кўрсатилимоқда.

Шу ўринда савол туғилади. Базальт ўзи
німа? Бу аввало экологик материал. Базальт
– бу тошнинг бир тури бўйли, уни 1400-
2000 даражали оловда эритиб, ундан тола
олинади ва пахта ҳолатига келтирилади.
Бунинг ағзаллиги у аввало иссиқ ва совуқни
ўтказмайди. Ўзига нам тортмайди. Мухими,
могор ҳам, бактерия ҳам ҳосил қилмайди.
Могор аслида иссиқлик ва совуқлик тўн-
шанган жойда, яъни намлик юзага келиши
натижасида пайдо бўлишини инобатга олиш
зарур. Кўп қаватли уйлар деворларини изол-
ляция килиши натижасида аввало деворнинг
ўзи исиди ва натижада ичкари томонда
могор юзага келмайди. Колаверса, базальт
ердаги намликни ўзига тортиши мумкин, шу
боис уни ердан 1 метр баландликда ўрна-

таяпмиз. Шунингдек, нам олмаслиги учун устидан яна маҳсус қоплама ҳам қилинмоқда.

Бу танланган ҳудудлар, яъни Учтепа ва Чилонзор туманлари шаҳарининг иссиқлик тизимидағи энг охирги нуқтадардир. Шу ҳудуддаги 50 та ўйни ажратиб, ўргага замонавий локал қозонхона куриши ҳам бошладик. У янги станция бўлади. Бу газдан пар ишлаб чиқариб, ундан электр олади ва қолган иссиқликни ўйга йўналтиради. Оддий қозонхона ўрнатадиган бўлсан, унинг таннархи бор, биз газ ёқиб, иссиқлик оламиз ва шунга яраша унинг таннархи бўлади. Лекин когенерацияда биз олдин электрни олиб, қолган иссиқликни ахолига берамиз. Бунда олдамларининг иссиқликка бўлган ҳарахати 30 фоизга қисқаради. Бу иссиқлик бошқа энергия манбаларига қараганда рақобатбардор бўлади. Бу хозирча режа. Лойиҳачилар шу кунларда бу бўйича илиб бормоқда.

Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкини, факат пойтахтда эмас, балки Чирчик ва Ангрен шаҳарларида ҳам бу каби на-
мунавий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, 2022 йилда Тошкент шаҳрида йилига 30 минг тонна базальт тошидан иссиқлик сақловчи плиталар ишлаб чиқаришга ихтинослашган корхона
фойдаланиши топширилган.

2023-2024 йилларда базальт тошидан иссиқлик сақловчи плиталар ишлаб чиқариш бўйича умумий қўймати 63,1 миллион доллар бўлган 3 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Корхоналар Андикон, Навоий ва Жиззах вилоятларидаги ишга туширилади ва йилига 95 минг тонна юнайтиш мумкин.

Албатта, қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва уларни эксплуатациясига масъул бўлган бошқарув сервис компаниялари ўртасида рақобат бўлса, ишлар тўғри ташкил этилади. Бугун ана шу мақсадда қатъий киришилган. Арzon ва сифатли хизмат кўрсатувчи аҳолининг ўзи танломоқда. Хозир бу ишлар намуна қилиб берилмоқда. Кейинги жараёнлар факат тендер асосида амалга оширилади. Агар давлат билан шериклиқда қилинадиган бўлса, уни маҳсус дирекциялаш мувофиқлаштиради.

Яна бир мухим маълумот. Айни вақтда Тошкент шаҳрининг ўзида қаррийб 10 мингдан ортиқ эски ўй бор. Сўнгги йилларда курилган уйларнинг энергия самадорлиги таъминланган. Эндилиқда эски уйларга асосий этибор қаратилади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мубхари.



ЭЪЛОН

«BANYAN» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!

2023 йил 13 марта куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига “Тошкент вилояти Дори-дармон” акциядорлик жа-
миятининг 01.02.2023 йилдаги №45/01-сонли бўйротмансомасига асосан жамият тасарруфида бўлган Тошкент вилояти, Охангарон шаҳар 1-кичиги даҳаси манзисида, умумий 0,40 га ер майдонида жойлашган, Литер 0001-2-қаватли ертўлали дориҳона биноси – 585,40 кв.м., Литер 0002 – Ёрдами бино – 10,13 кв.м., Литер 0003 – қурилиши тугалланмаган бино – 597,75 кв.м.дан иборат бошланғич нархи – 2 910 000 000 сўм бўлган 12-сонли дориҳона бино иншотларни кўйилмоқда. Кўчмас мулкнинг бошланғич баҳо-
си ҚҚС инобатга олган ҳолда белгиланган.

Юқоридаги кўчмас мулк 2023 йил 13 марта куни соат 11:00 да сотилмаган тақдирда, тақрорли савдолар 2023 йил 28 марта, 11, 26 апрель, 11, 26 май, 12, 27 июня, 12, 27 июль ҳамда 11, 28 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан буюртмачи ташкилнига мумкин. Аукцион савдосига бевосита манзилга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион иштироқида катнашиш истагини билдириган талаборлар савдо таш-
килотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 % дан кам бўлмаган миқдоридага закалат пулини тўланганинги тасдиқловчи хужжат билан бирга

– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғри-
сида гувахнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун хужжатла-
рида белгиланган тартибида расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқладиган хужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

– жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тартибида, ваколатли вакил учун қонун хужжатла-
рида белгиланган тартибида расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқладиган хужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.

Аукцион савдосига иштирок этувчи талаборлардан аризаларни қабул килиш расмий иш кунларида (шанба, яъшанба ва байрам кунларидан ташкил) соат 10:00дан 16:00 гача қабул килинадиган. Талаборлардан аризаларни қабул килиши савдо ўтка-
зиладиган кундан бир иш кун один соат 16:00 да тўхтатилади. Савдо ғолибига аукцион савдосига натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 5 банк куни ичидаги савдо ташкилотчининг хисоб рақамига мулк сотув қийматидан 3 фоиз мидорида пул маблаби тўлаб бериш ва 10 кун ичидаги сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулк учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белgilanadi.

Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар «BANYAN» МЧЖ. АТ “Xalqbank” Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлами. x/r: 202080030075166001. МФО 01125. СТИР 304 802 952.

Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кў-
часи 51-үй.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани,
Янги Олмазор кўчаси, 1А-үй.

Телефон: +998-71-207-25-53.

Лицензия RR – 0298.

Out and About on Uzbekistan's Silk Road

Historian feature

By Nicolas Kinnoch, published 3rd February 2023



«ЎЗБЕКИСТОН ИПАК ЙЎЛИ БЎЙЛАБ САЁХАТ»

Британия тарихчилар уюшмаси порталаида уюшма фахрий аъзоси Николос Кинлохнинг «Ўзбекистон Ипак йўли бўйлаб саёҳат» сарлавхали мақола жойлаштирилди.

Муаллиф ўзбекистон бўйлаб саёҳати ҳақида ёзар экан, Хива, Бухоро ва Самарқанд таърифига тўхтатланган. У мазкур шаҳарлардаги диққатга сазовор жойлар ва қадимий обидаларга ишлатилган рангларга алоҳида этибор қаратган. Николос Кинлох атокли шоир Жеймс Элрой Флекернинг 1913 йилда Самарқандга “бilmaganc нарсаларни билиш” мақсадида амалга оширган саёҳати ҳақида сўзларидан иқтибос келтирган.

Нашрда Хива асосан лойғишидан қурилган ва атрофи мустаҳкам истехкомлар билан ўралган ихчам шаҳар, деб таърифланган. «Бу ерда машғул бўлудиган ва томоша қиладиган нарсалар кўп. Сиз буларни унтумайсиз, - деди дейдий муаллиф. - Хива қалъаси, 12 асрда бунёд этилган Кўхна Арк билан танишув кошиларни кўллашда қандай натижаларга эришиш мумкинлиги ҳақида тушунчангиридан. Жума масjidининг минорасига чиқиб, шаҳарни ўраб турган ҳайратланарни манзарадан баҳра олишингиз мумкин».

Муаллиф Бухоро ҳақида таасусотларни батафис тасвирлаб берар экан, ушбу қадимий кент у борган учта шаҳар ичидаги 10 мингдан ортиқ эски ва қонунга ўтка-
зиладиган фарқли ўзидиган. «Бошқалардан фарқли ўзаро, бу ерда эски ва янги анъаналар ўтгунашиб кетган, - деб ёзди Николос Кинлох. - Бухорага таърифининг бир вақтлар шаҳарни сув билан таъминлаган, чойхоналар ва ёткоҳоналар билан ўралган сув хавзас

+4
+9 Коракалпогистон
Республикаси
Хоразм

+13
+18 Бухоро
Навоий

+17
+20 Тошкент
Самарқанд
Жиззах
Сирдарё

+13
+18 Қашқадарё
Сурхондарё

+8
+13 Андижон
Наманган
Фарғона

+12
+14 Тошкент
Шаҳри


t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz



ЧЕХИЯДА САЙЛОВЛАР ЖОЗИБАЛИ ЎТАДИ

БУ ДАВЛАТНИНГ КАТТА, ЎЗИГА ХОС ТАРИХИ БОР. ДАВЛАТЧИЛИК ТАЖРИБАСИДА ИБРАТГА АРЗИГУЛИК ЖИХАТЛАРИ ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС.

ЧЕХИЯ МАРКАЗИЙ ЕВРОПАДА ЖОЙЛАШГАН ДАВЛАТ БЎЛИБ, АҲОЛИСИ 10,5 МЛН. НАФАРДАН ОШИҚ, ЧЕХЛAR ФАРБИЙ СЛАВЯН ХАЛҚЛАРИ ОИЛАСИГА МАНСУБ. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ РЕСПУБЛИКА. ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИ 315 МЛРД. ДОЛЛАРГА ЯҚИН. АҲОЛИ ЖОН БОШИГА ТАХМИНАН 30 МИНГ ДОЛЛАР АТРОФИДА.

Славян халқлари орасида энг кадим давлатчилик асосларига эга халклардан бирни хисобланади. Январь ойи охирида Чехияда Президентлик сайлови кўпчиллик сийеси доиралар бу сайлов натижаларига кизиқиш билдирилди. Сабаби, биринчи босқичда энг кўп овоз тўплаган иккита номзоднинг бирини сабик НАТО генерали, сайловолиди дастурларида Европа Итифоқи билан чуқур интеграцияни амалга ошироқчилигини эълон қилган Петр Павел ва сайловолиди дастурларида Украинадаги урушнинг кенгайишининг олдини олоқчилигини маълум қилган Андрей Бабиш эди.

Сайловнинг иккинчи босқичида "Мустакил" партиясидан номзодини кўйган Петр Павел ва ўзи асос соглан ANO (Одатда оддийигина ANO (инглиз тилида "Ха") деб қисқартирилади, бош ҳарофлар "Норози фуқаролар ҳаракати" деган мавони англатади.) партияси етакчиси Андрей Бабиш иштирок этди. Сайлов якунига кўра, 58 фойздан кўпроқ овоз тўплаган Павел Чехиянинг нахбатдаги президенти бўлади.

"Ҳаққиат, қадр-қиммат, хурмат ва камтарлик каби қадрятлар ғалаба қозонди", деди у.

"Ишончим комилки, бу қадрятлар бизнинг кўпчилигимиз томонидан баҳам кўрилади, уларни ҳаётимизнинг бир қисмига айлантириша ҳаракат қилишимиз керак, шунингдек, уларни Прага қаласи ва сиёсатимизга қайтаришимиз керак".

Шанба куни якунланган иккинчи босқич овоз беришида сайловчиларинг иштирико рекорд даражада юкори бўлди, яъни 70% дан кўпроқ сайловчilar овоз бериш жараёнларида қатнашди.

Павел ўз лавозимига март ойида киришида ва сўнгги ўн ийл давомида ҳокимиятда бўлган иккি муддат давомида Бабиши ӯзининг вориси сифатида кўлла-куватлаган Милош Земаннинг ўринин эгаллади.

**ЧЕХИЯДА САЙЛОВ
ТИЗИМИ ҚАНДАЙ?**
Чехия Республикасидаги бар-

сайлов кампаниясини бошлади. Депутатлар палатасига сайловлар учун 14 та овоз бериш окурганинг ҳар бирда ҳар хил мидордаги ўринлар мавжуд ва партиялар ҳар бир округ учун номзодларнинг тартиблangan рўйхатини тақдим этади. Сайловчilar овоз бериш учун фақат битта сиёсий партияни танлаши керак, бирор үлар ушбу партиянинг алоҳида номзодлари учун тўрттагача имтиёзли овоздан фойдаланшилари мумкин, бу эса партия рўйхатидаги номзодларнинг якуний тартибига таъсир киласи.

СЕНАТ САЙЛОВЛАРИ

40 ва ундан катта ёшдаги ҳар қандай фуқаро сенатор бўлиши мумкин. Сенат олти йиллик муддатга сайланадиган 81 азоздан иборат бўлади. Сайловлар ҳар иккى йилда бир марта ўтказилади, ҳар сафар Сенатдаги ўринларнинг учдан бир қисми алмашади. Мамлакат таҳминан бир ҳил мидордаги сайловчilarга эга бўлган 81 та Сенат сайлови окургига бўлинган. Сенаторликка сайловлар худди Президентлик сайловлари каби икки турдан иборат бўлиб, биринчи турда энг юкори ўринни эгаллаган иккى номзод иккичи турда яна бир-бирлари билан тўқнаш келади.

Д'НОНДТ УСУЛИ

Жефферсон усули ёки энг катта бўлинувчilar усули деб ҳам аталади, федерал штатлар ёки партия рўйхатидаги пропорционал вакиллик тизимларида парламентларда ўринларни тақсимлаш усулидир.

Усол биринчи марта 1792 йилда АҚШнинг бўлажак президенти Томас Жефферсон томонидан тасвирланган. У 1878 йилда бельгиялик математик Victor D'Hondt томонидан мустакил равишда қайта ихтиро қилинган, бу ўнинг иккى хил номланишига сабаб бўлган.

Пропорционал вакиллик тизимлари партияларга тахминан олинган овозлар сонига мутаносиб равища мандатларни тақсимлашни назарда тутиди. Мисол учун, агар партия овозларнинг учдан бир қисмини кўлга киритса, у ўринларнинг учдан бир қисмини кўлга киритиши керак. Умуман олганда, аниқ пропорционаллик мумкин эмас. Овозлар ва ўринлар нисбати бир-бирiga тўлиқ мувоғик келиши жуда қийин. D'Hondt усули ва ўхшаш усуллар номутаносиблини минималлаштиради.

**Аҳмад ҚУРБОНОВ
ТАЙЁРЛАДИ.**

7
ХУШБАР

ФОТОЭЛЕКТР СТАНЦИЯ РЕЖАЛАНГАН

Сурхондарё вилояти Жарқўргон туманида Германиянинг «Graess Energy Uzde» компанияси 600 МВт қувватга эга фотоэлектр станциясини куриши режалаштироқда. Бу ҳақда Инновациян ривожланиш агентлиги хабар берган. Қайд этилишича, 3 февраль куни Германиянинг «Graess Energy Uzde» компанияси, Сурхондарё вилояти хокимлиги ва инновацион ривожланиш худудий бошқармаси ўтасида Жарқўргон туманида 600 МВт қувватга эга инновацион фотоэлектр станциясини барпо этилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан келишуга эришилган. Лойҳа қўйилти 500 миллион АҚШ долларни ташкил этади.

ТУРКМАНИСТОН СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ БЕРАДИ

Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов Ўзбекистонга суюлтирилган газни ёрдам сифатида бўпул бериш тўғрисидаги фармойишни имзолади. Бу ҳақда 3 февраль куни «Туркменистан: Золотой век» нашири хабар берди.

Наширинг маълумотига кўра, Turkmenengaz давлат концернига суюлтирилган газнинг тегиши ҳажмини ўзбекистон Республикасига текин ўтказиш вазифаси юклangan.

Суюлтирилган газнинг аниқ ҳажми кўрсатилмаган. Бу «Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўтасидаги яхши қўшничилик, дўстлик ва қардошлиқ муносабатларини янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистон қўллаб-қувватлаш мақсадида» амалга оширилаётгани aloҳида ташкилланган.

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ АВИАҚАТНОВЛАР ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Ўзбекистоннинг Мадриддаги элчихонасида Испания сайдхлик компанияларидан бирини билан иккиси давлат ўтасида Тўғридан-тўғри ва чартер рейсларини йўлга қўйиш мухокама килинди. Бу бўйича бир неча соҳа вакиллари учун инфотурни ташкиллаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон элчихонасида Испаниянинг «Unincoming Tour SL» сайдхлик компанияси бирош директори, Валенсиядаги «Silkway SL» Испания — Ўзбекистон савдо ва сармоҳийнинг раҳбари ўринбосари Оскар Латсо билан учрашув бўлиб ўтди, дея хабар берди «Дунё» ахборот агентлиги.

Учрашувда Испанияндан Ўзбекистонга тўғридан-тўғри ва чартер хаво қатновларини йўлга қўйиш ҳамда Ўзбекистоннинг сайдхлик салоҳиятини Испания ва Лотин Америкаси худудларида тарғиб қилиш орқали сайдхлик оқимини ошириш ва бунга мутасадди ташкилотлар, ушбу соҳадаги компаниялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари учун инфотурни ташкил этишини мухокама қилинди.

ЗИЛЗИЛА ЭҲТИМОЛИ ЙЎҚ

ФВВ Ўзбекистон ва унга чегарадош худудларда магнитудаси 5 дан юкори бўлган зилзилалар даракчилиги аниқланмагани ҳамда кучли зилзилалар содир бўлиш эҳтимоли мавжуд эмаслигига маълум қилид.

Жорий йилнинг 6 февраль куни Туркия Республикасида содир бўлган зилзилалар аҳоли ўтасида турли саросималар юзага келишига сабаб бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз худудида сейсмоген ҳолат, бу борадаги амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахолига холоси ва ишончли маълумотлар тақдим этишини такоzo қилиади.

Ҳозирги кунда зилзилаларни прогноз қилиш соҳасида сейсмометрик, геофизик, магнитометрик ва гидрогеосейсмологик кузатувлар олиб борилади. Олинган кузатув маълумотлари натижаларига асосан Идоралараро эксперт комиссиясининг 2023 йил 3 февралдаги 5-сонли баёни хуласасига кўра, Ўзбекистон ва унга чегарадош худудларда магнитудаси M≥5 бўлган зилзилалар даракчилари аниқланмаган ҳамда кучли зилзилалар содир бўлиш эҳтимоли мавжуд эмаслиги маълум қилинади.

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ БЕПУЛ ОВҚАТ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022–2026 йилларга муръжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги фармони лойҳасидан айтилмоқда.

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб республиканинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бошлангич синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш йўлга қўйилади. Натижада, жорий йилда бўпул овқат бериши тизими билан 2,5 миллион нафар ўқувчи кимлар олиш ва ушбу максадларга 2,7 трилион сўмга яқин маблағ ажратилиди.

Маълумот учун, 2022 йилда Коқақалпогистон Республикаси ва Хоразм вилотида ушбу тизим билан 273 минг нафар ўқувчи қамраб олиниди.

«ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ» БОШЛАНДИ

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ташаббусли бюджетлаштиришнинг янги мавсуми бошланганини эълон қилид. Унда фуқаролар инфратизилма, йўл, мактаб ва бошқа обьектларни яхшилаш бўйича лойҳаларни тақлиф этиб, маҳаллий бюджетнинг бир қисмими тақсимлаштириш этиади. Тақлифлар 26 февралгача қабул қилинади.

Ўзбекистонда 6 февралдан ташаббусли бюджетлаштиришнинг янги мавсуми бошланди, унинг доирасида фуқаролар маҳаллий бюджетнинг бир қисмими тақсимлаштириш этиши мумкин. Бу ҳақда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги матбуот хабар берди.

Ташаббусли ёки партисипатор бюджетлаштириш — ахолининг ташаббуслини хисобга олган холда бюджет маблағларининг муайян бир қисмими сарфлаш бўйича уларнинг бевосита иштирокида қарорлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилишини кузатиш амаллаштирилди.

Эслатиб ўтамиз, сентябрь ойида мактаблар, йўллар ва бошқа обьектларни таъмирлаш бўйича фуқароларнинг ташаббуслари учун 7,8 миллион овоз тўплланган «Ташаббусли бюджет»нинг иккинчи мавсуми якунланган. Фуқаролар тақлифларини амалга ошириш учун жами 1 трилион 700 миллиард сўм маблағ сарфланнишни режалаштирилган.

ЭЛЛИКДАН ОШДИ

Мамлакатимизда бизнес ва инвестициялар йўлидаги турли тўсиқлар олиб ташланниб, очик ва қатъий сиёсат олиб борилмоқда. Бу эса, мамлакатимизнинг Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Европа тикланиши ва тараққиёт банки, Осиё инфратизилма инвестицияларини банки каби йирик ҳалқаро молия институтлари ва ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишида мумкин омил бўлди.

Фаол ташкил сиёсат натижасидан республикамизга инвестиция кириталади мамлакатлар географияси ҳам кенгаймоқда. 2022 йилга келиб, иқтисодиётимизга инвестиция киритган мамлакатлар сони 50 дан ортди. Уларнинг орасида Хитой, Туркия, Германия, Жанубий Корея каби мамлакатлар етакчилик қилилди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ
тайёрлади.**

MUASSIS:

O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV Muslihiddin MUHIDDINOV
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA
Maqsuda VORISOVA Shuhrat ISLO